



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2024

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№12 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2024-12>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Artur Gambaryan
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altwiissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW, ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govverjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Xidoyatov Parvizbek Istamovich EKSPERIMENTAL TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY TABIATI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	5
2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li XIX-XX ASRLARDA ISLOM HUQUQIDA MOLIYA INSTITUTINING RIVOJLANISHIGA TA'SIR KO'RSATGAN SIYOSIY-HUQUQIY JARAYONLAR.....	12
3. Хамдамова Фируза Уразалиевна ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....	23
4. Шорахимов Хусан Муроджон ўғли ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	32
5. Abdullayev Jamshid Djamilovich TIBBIY XIZMAT KO'RSATISH BO'YICHA AYRIM SHARTNOMAVIY MUNOSABATLARNI FUQAROLIK HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH.....	41
6. Воснев Жамшид Мустафоевич ИНСОННИНГ БИОМЕХАНИК ЎЗГАРИШИДА ШАФФОФЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.....	49
7. Ашурова Нилуфар Ўктамовна ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ: ЖИНОЯТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА НИСБАТАН ЖАВОБГАРЛИК.....	63
8. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	75
9. Хайдаров Шухратжон Джумаевич ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	82
10. Иброхимов Бахтиёр Тойиржонович ПРОКУРОРНИНГ ЖИНОЯТ ИШИ КЎЗГАТИШ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	90
11. Ширинкулов Бахтиёр Ифтихор ўғли ҚУРИЛИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ: СУБЪЕКТ ВА ЖАБРАНУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	99
12. Xaydarov Mirsaid Mirjabborovich KUCHLI TA'SIR QILUVCHI YOKI ZAHARLI MODDALARNI QONUNGA XILOF RAVISHDA MUOMALAGA KIRITISHGA QARSHI KURASHISHNING AYRIM JIHATLARI.....	107



Хайдаров Шухратжон Джумаевич,
 Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи,
 криминалогия ва коррупцияга қарши курашиш
 кафедраси профессори, юридик фанлари
 бўйича фалсафа доктори (PhD),
<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>
 E-mail: Haydarovshuxrat@mail.ru

ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Khaydarov Shukhratjon Jumaevich. ISSUES OF QUALIFYING THE CRIME OF ENDANGERING AND DISTINGUISHING IT FROM SIMILAR CRIMES. Journal of Law Research. 2024, 9 vol., issue 12, pp. 82-89

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14259928>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хавф остида қолдириш жиноятини квалификация қилиш ва ўхшаш жиноятлардан фарқлаш масалалари баён қилинган. Жумладан, Хавф остида қолдириш жиноятини ҳам бир қатор жиноятлар яъни, ЖКнинг 97, 99, 102, 266-моддалар ва бошқа жиноятлардан ўзаро фарқли жиҳатлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2015 йил 26 июндаги 10-сон қарори асосида ЖКнинг 266-модда билан ЖКнинг 117-моддаси квалификация қилишдаги ҳолатлар таҳлил қилиб берилган. Бундан ташқари, “Йўл ҳаракати қоидалари” бўйича қайси ҳолларда белгиланган мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун шахс ЖК 117-моддасининг тегишли қисми бўйича жавобгарликка сабаб бўлиш ҳолатлари ёритиб берилган. Мақолада хавф остида қолдириш жиноятини квалификация қилиш ва ўхшаш жиноятлардан фарқлаш масалалари бўйича асосли таклиф ва ҳулосалар баён қилинган.

Калит сўзлари: жиноят, хавф, квалификация, қилмиш, жабрланувчи, ҳаракатсизлик, ҳаёт, соғлиқ, эҳтиётсизлик, қасд, субъект, жавобгарлик.

Хайдаров Шухратжон Джумаевич,
 Профессора кафедраси уювчилари, уювчилари
 криминалогия ва коррупцияга қарши курашиш
 Ташкентского государственного юридического университета,
 Доктора философии по юридическим наукам
<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>
 E-mail: Haydarovshuxrat@mail.ru

ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПО ОПАСНОСТИ И ОТЛИЧЕНИЯ ЕГО ОТ СХОДНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыты вопросы квалификации преступления, создающего угрозу, и отграничения его от аналогичных преступлений. В частности, научно обосновано отличие преступления создания угрозы от ряда других преступлений, то есть статей 97, 99, 102, 266 УК РФ и других преступлений. Также на основании решения №10 от 26 июня 2015 года Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О некоторых вопросах судебной практики по делам, связанным с преступлениями против безопасности транспорта и его использования» анализируются случаи квалификации ст. 266 УК и ст. 117 УК. Кроме того, выяснены обстоятельства, при которых лицо может быть привлечено к ответственности по соответствующей части статьи 117 УК за неисполнение обязанностей, установленных «Правилами дорожного движения». В статье представлены обоснованные предложения и выводы по вопросам квалификации преступления, представляющего угрозу, и отличия его от аналогичных преступлений.

Ключевые слова: преступление, риск, квалификация, деяние, потерпевший, бездействие, жизнь, здоровье, неосторожность, умысел, субъект, ответственность.

Khaydarov Shukhratjon Jumaevich,

Professor of Department of Criminal law, Criminology and Anti-corruption of Tashkent State University of Law

Doctor of Philosophy in Law (PhD),

<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

E-mail: Haydarovshuxrat@mail.ru

ISSUES OF QUALIFYING THE CRIME OF ENDANGERING AND DISTINGUISHING IT FROM SIMILAR CRIMES

ANNOTATION

This article describes the issues of qualifying the crime of endangerment and distinguishing it from similar crimes. In particular, the difference between the crime of Endangerment and a number of other crimes, that is, articles 97, 99, 102, 266 of the Criminal Code and other crimes, has been scientifically substantiated. Also, on the basis of decision No. 10 of June 26, 2015 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan "On some issues of judicial practice in connection with cases related to crimes against the safety of transport and its use", the cases of qualification of Article 266 of the Criminal Code and Article 117 of the Criminal Code are analyzed. In addition, the circumstances in which a person may be held liable under the relevant part of Article 117 of the Criminal Code for non-fulfillment of the obligations set by the "Traffic Rules" have been clarified. The article presents reasonable proposals and conclusions on the issues of qualifying the crime of endangerment and distinguishing it from similar crimes.

Keywords: crime, risk, qualification, act, victim, omission, life, health, negligence, intent, subject, liability.

Хавф остида қолдириш жиноятини квалификация қилишда ўхшаш жиноятлардан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. “Ҳар қандай қилмишни квалификация қилишда унинг ўхшаш жиноятлардан фарқловчи белгиларини аниқлаш, жиноят таркибини ҳар томонлама таҳлил қилиш, унинг таркибий элементларига хос бўлган жиҳатларини аниқлаш талаб қилинади”[1].

Хавф остида қолдириш жиноятини ҳам бир қатор турдош жиноятлардан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Я.А.Мыц таъкидлаганидек, “хавф остида қолдириш – инсон ўлими ёки унинг соғлиғига ҳар қандай кўринишдаги жиддий зарар тарзидаги жиддий оқибатлар келиб чиқиши билан боғлиқ ўзига хос қилмиш бўлиб, инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларга нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси пастроқ бўлади. Чунки, мазкур жиноят жабрланувчи ҳаёти ёки

соғлиғига тўғридан тўғри зарар етказмайди, чунки у ушбу мақсад учун бирор-бир ҳаракат содир этмайди, ушбу оқибатлар келиб чиқишига туртки берувчи ҳодисаларни ривожлантиришда фаол иштирок этмайди. Жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи вазият айбдорга боғлиқ бўлмаган сабаблардан келиб чиқади” [2].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 117-моддасида назарда тутилган хавф остида қолдириш жинояти ҳаракатсизлик орқали содир этилган одам ўлдириш жиноятига яқин ҳисобланади.

Хусусан, хавф остида қолдиришни ҳаракатсизлик орқали содир этилган одам ўлдиришдан фарқи жиноят таркиби белгиси бўйича фарқланади.

Хавф остида қолдиришнинг объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги бўлса, қасдан одам ўлдиришда – инсон ҳаёти ҳисобланади.

Қасдан одам ўлдириш объектив томондан қоида тариқасида инсонни ҳаётдан маҳрум қилишга бевосита қаратилган ҳаракатларни содир этишда намоён бўлса, хавф остида қолдиришда инсон ўлими ташқи омиллар натижасида келиб чиқади.

Хавф остида қолдиришни қасдан одам ўлдиришга суиқасд қилишдан фарқлашда асосий роль субъектив томонига берилади.

Ҳуқуқшунос олимлар таъкидлаганидек, “хавф остида қолдиришни бошқа турдош жиноятлардан фарқлашда хавф остида қолдиришда айбнинг мавжудлиги ва унинг шакли муҳим аҳамиятга эга” [3].

“Хавф остида қолдиришни қасдан одам ўлдириш билан фарқлашда иккита мезонга эътибор қаратиш керак: ҳаракатсизлик шакли ва жабрланувчи ўлимига нисбатан қасднинг мавжудлиги (йўқлиги)” [4].

Бунда Ю.А.Власов таъкидлаганидек, “одам ўлдиришда айбдор шахс жабрланувчи ўлими келиб чиқишини хоҳлайди, хавф остида қолдиришда эса, айбдор шахс бундай оқибатни хоҳламайди, лекин унинг келиб чиқишга йўл қўяди” [5].

Хавф остида қолдиришда жиноят субъектида жабрланувчини хавф остида қолдиришга нисбатан қасд бўлади, бироқ келиб чиққан оқибатга нисбатан қасднинг иродавий жиҳати мавжуд бўлмайди. Одам ўлдиришда одам ўлими кўринишидаги оқибат келиб чиқишига нисбатан қасд мавжуд бўлади, унинг иродавий жиҳати шунга йўналтирилган бўлади.

Бунда қасднинг йўналтирилганлигини оқибатнинг келиб чиқиши эҳтимолини кўра билиш даражасидан, жиноят содир этиш вақтидаги атрофдаги вазият таҳлилидан келиб чиқиб аниқланиши мумкин.

Яъни, башарти жиноятни содир этиш шарт-шароити жабрланувчининг ўлими, қоида тариқасида, қисқа муддат ичида келиб чиқишини олдиндан кўра билиш имконини берса, бундай ҳаракатсизлик одам ўлдириш сифатида баҳоланиши лозим.

Аксинча, одам ўлими оқибати келиб чиқиши мавҳум бўлса, бундай оқибатнинг келиб чиқиши муайян табиий жараёнлар, ташқи омиллар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлса, бундай қилмиш хавф остида қолдириш сифатида баҳоланиши мумкин бўлади.

Хавф остида қолдиришни одам ўлдириш ва соғлиққа шикаст етказишга оид Жиноят кодекси моддаларидан фарқлашда субъектив мезон муҳим аҳамиятга эга.

Яъни, башарти қасд шахсни ҳаётдан маҳрум этишга ёки тан жароҳати етказишга қаратилган бўлса, қилмиш ЖКнинг одиллик принциpidан келиб чиққан ҳолда қўшимча равишда ЖК 117-моддаси билан квалификация қилинмаслиги керак.

Шу билан бирга аксарият жиноят ҳуқуқи бўйича мутахассислар ушбу жиноятларни фарқлашда вақт омилига алоҳида эътибор қаратадилар: “башарти, шахс қолдирилиб кетилаётган вақтда унга зудлик билан тезкор ёрдам кўрсатилиши талаб қилинмаса, бунда қилмиш хавф остида қолдириш сифатида, башарти жабрланувчи тезкор ёрдам кўрсатилиши зарур аҳволда қолдирилган бўлса, унда ҳаётга, соғлиққа қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши керак” [6].

Хавф остида қолдиришни эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришдан (Жиноят кодекси 102-моддаси) фарқлаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, ушбу жиноятларни фарқлашда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишга эътибор қаратиш талаб қилинади. Башарти шахснинг ҳаракатлари бевосита инсон ўлимига сабаб бўлган бўлса, унда қилмиш ЖК 102-моддаси билан малакаланади.

Агарда, инсон ўлимининг асосий сабаби – унга маълум (узук) муддат давомида ёрдам кўрсатмаслик (совуқда қолиб кетиш, беҳуш ётиш ва ҳ.к.) оқибати бўлса, қилмиш ЖК 117-моддаси билан малакаланиши зарур.

Агар жабрланувчининг ўлими унинг соғлиғига эҳтиётсизлик орқасидан шикаст етказиш ва унга ёрдам кўрсатмаслик натижасида келиб чиқса, қилмиш Жиноят кодекси 111-моддаси (Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш) ва ЖК 117-моддаси билан малакаланиши лозим бўлади.

Башарти, шахс йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, унда жабрланган шахсни оғир аҳволда қолдириб кетиши натижасида унинг ўлимига сабаб бўлса, жиноят ЖК 266-моддаси (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) ва ЖК 117-моддаси билан жиноятлар мажмуи бўйича малакаланиши зарур.

Бунда “ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга била туриб ёрдам кўрсатмаслик деганда, транспорт воситаси ҳайдовчиси жабрланувчи ёшлиги, кексалиги, касаллиги ёки ожиз аҳволда бўлганлиги сабабли мустақил равишда тиббий ёрдам сўраш имкониятига эга эмаслигини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф мавжудлигини англаган, бироқ унга зарур ёрдам кўрсатмаган (масалан, ҳайдовчи ҳодиса жойидан яширинган, биринчи тиббий ёрдам кўрсатмаган, тез тиббий ёрдам чақирмаган, жабрланувчини яқин орадаги даволаш муассасасига олиб бормаган ва шу каби) ҳоллар тушунилиши лозим” [7].

Агар шахс йўл-транспорт ҳодисасида айбдор бўлмаса (Йўл-транспорт ҳодисаси жабрланувчининг айби билан содир этилса), қилмиш фақатгина Жиноят кодекси 117-моддаси билан малакаланиши лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2015 йил 26 июндаги 10-сон қарорида ҳам шундай тушунтириш берилган, унга кўра “агар ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор бўлмаса, бироқ, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи унинг иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида хавф остида қолдирилган бўлса, ҳайдовчи томонидан жабрланувчига ёрдам кўрсатишга доир “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 13-бандида белгиланган мажбуриятларни бажарилмаганлиги ЖК 117-моддасининг тегишли қисми бўйича жавобгарликка сабаб бўлади”. Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга била туриб ёрдам кўрсатмаслик деганда, транспорт воситаси ҳайдовчиси жабрланувчи ёшлиги, кексалиги, касаллиги ёки ожиз аҳволда бўлганлиги сабабли мустақил равишда тиббий ёрдам сўраш имкониятига эга эмаслигини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф мавжудлигини англаган, бироқ унга зарур ёрдам кўрсатмаган (масалан, ҳайдовчи ҳодиса жойидан яширинган, биринчи тиббий ёрдам кўрсатмаган, тез тиббий ёрдам чақирмаган, жабрланувчини яқин орадаги даволаш муассасасига олиб бормаган ва шу каби) ҳоллар тушунилиши лозим [7].

Айрим ҳолларда хавф остида қолдиришни Жиноят кодекси 99-моддасида белгиланган онанинг ўз қақалоғини қасддан ўлдириши жинояти билан ҳам фарқлаш зарурати туғилади.

Бунда ушбу икки жиноятни фарқлашда жиноятнинг субъектив томонига – қасд болани ҳаётдан маҳрум этишга ёки ундан қутилишга қаратилганлигига эътибор қаратиш лозим.

“Қасд нимага қаратилганлигига аниқлик киритиш учун бола ташлаб кетилган жой, вақт, боланинг аҳволи каби ҳолатлар ўрганилиши керак бўлади” [8].

Шу билан бирга ЖК 99-моддасида вақт мезони устувор эканлигини ҳам унутмаслик керак, яъни жиноят қақалоқни туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон содир этилиши лозим.

Бунда шуни ҳам инобатга олиш керакки, башарти йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жабрланувчи ўлими дарров юз берган бўлса, қилмиш, айбдор шахс воқеа жойини ташлаб кетиб, яширинган тақдирда ҳам қўшимча равишда ЖК 117-моддаси билан квалификация қилиниши керак эмас.

Шу билан бирга йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жабрланувчига енгил ёки ўртача оғир тан жароҳати етказган ҳолда айбдор воқеа жойидан яширинган тақдирда унинг қилмишини квалификация қилиш масаласи ҳам долзарб.

Бундай ҳолатда асосий омил – “жабрланувчи воқеа жойини мустақил тарк эта олиш, ўзига ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, автотранспорт воситалари қатнови қисмидан ўзи чиқиб кета олиш имкониятига эгаллиги муҳим аҳамиятга эга” [9].

Бу борада Олий суд Пленуми тушунтиришларига мурожаат этсак ўринли бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2015 йил 26 июндаги 10-сон қарорида белгиланишича [7], “йўл-транспорт ҳодисасида айбдор ҳайдовчи учун қуйидаги ҳолларда ЖК 117-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқмайди:

- агар унда жабрланувчига ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаса (масалан, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳушини йўқотганлиги ёки олган тан жароҳати уни жабрланувчига ёрдам кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлса ва ҳ.к.);

- жабрланувчининг баданига етказилган тан жароҳатлари унинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаса;

- жабрланувчининг ўлими йўл-транспорт ҳодисаси пайтида рўй берган бўлса”.

Умуман олганда, “хавф остида қолдириш бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун қуйидаги шартлар қаноатлантирилиши лозим:

- а) хавф остига фақат инсон қолдирилиши мумкин;

- б) жабрланувчи ташқаридан фаол аралашувсиз бартараф этиб бўлмайдиган реал хавф ҳолатида бўлади;

- в) “хавф остида қолдириш” жабрланувчи учун таҳдидларни бартараф этиш бўйича аниқ ҳаракатларни содир этмасликда намоён бўлади;

- г) инсонларнинг онгли хулқ-атвори натижаси ҳисобланади;

- д) хавф остига қолдираётган шахс жабрланувчига ёрдам беришнинг реал имкониятига эга бўлиши керак;

- е) ушбу жараён иштирокчилари ўртасида қариндошлик, оилавий, меҳнат, шартномавий ва бошқа муносабатлардан келиб чиқадиган муайян алоқа мавжуд бўлади” [2].

Хорижий мамлакатларда хавф остида қолдириш билан бир қаторда жабрланувчига ғамхўрлик кўрсатиши мажбуриятига эга бўлмаган, жабрланувчини ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli аҳволга солмаган умумий субъект томонидан содир этиладиган ёрдам кўрсатмаслик жинояти учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган.

Қирғизистон, Грузия, Украина давлатларининг Жиноят кодексларида ёрдам кўрсатмаслик ёки алоҳида жиноят таркиби сифатида берилган ёки Беларус республикаси Жиноят кодексига хавф остида қолдириш жиноятининг бир қисми сифатида кўзда тутилган.

Шунингдек хорижий мамлакатлардан Грузия, Қирғизистон, Беларусь, Арманистон, Тожикистон, Россия Федерацияси, Туркменистон, Озарбайжон, Украина, Молдова давлатларининг Жиноят кодексларида хавф остида қолдириш формал таркибли жиноят сифатида назарда тутилган бўлиб, бунда оқибат келиб чиқиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўзда тутилган[10].

Жиноят ишлари таҳлили хавф остида қолдириш жинояти аксарият ҳолларда Жиноят кодекси 266-моддаси (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) билан биргаликда қўлланилишини кўрсатмоқда. Шунингдек, хавф остида қолдириш қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-модда) ва безорилик (ЖК 277-модда) жиноятлари билан биргаликда содир этилганлигини кўрсатмоқда

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хавф остида қолдириш жиноятини квалификация қилиш ва ўхшаш жиноятлардан фарқлаш масалалари бўйича қуйидаги таклиф ва хулосаларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, хавф остида қолдириш инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларга нисбатан ижтимоий хавfliлик даражаси пастроқ ҳисобланади. Чунки, мазкур жиноят

жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғига тўғридан тўғри зарар етказмайди, чунки у ушбу мақсад учун бирор-бир ҳаракат содир этмайди;

иккинчидан, учинчидан, хавф остида қолдиришни қасддан одам ўлдириш билан фарқлашда иккита мезонга эътибор қаратиш керак, булар ҳаракатсизлик шакли ва жабрланувчи ўлимига нисбатан қасднинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ;

учинчидан, қасддан одам ўлдиришда айбдор шахс жабрланувчи ўлими келиб чиқишини хоҳлайди, хавф остида қолдиришда эса, айбдор шахс бундай оқибатни хоҳламайди, лекин унинг келиб чиқишга йўл қўяди;

тўртинчидан, хавф остида қолдиришда жиноят субъектида жабрланувчини хавф остида қолдиришга нисбатан қасд бўлади, бироқ келиб чиққан оқибатга нисбатан қасднинг иродавий жиҳати мавжуд бўлмайди. Қасддан одам ўлдиришда одам ўлими кўринишидаги оқибат келиб чиқишига нисбатан қасд мавжуд бўлади, унинг иродавий жиҳати шунга йўналтирилган бўлади;

бешинчидан, жиноятни содир этиш шарт-шароити жабрланувчининг ўлими, қоида тариқасида, қисқа муддат ичида келиб чиқишини олдиндан кўра билиш имконини берса, бундай ҳаракатсизлик одам ўлдириш сифатида баҳоланиши лозим. Аксинча, одам ўлими оқибати келиб чиқиши мавҳум бўлса, бундай оқибатнинг келиб чиқиши муайян табиий жараёнлар, ташқи омиллар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлса, бундай қилмиш хавф остида қолдириш сифатида баҳоланиши мумкин бўлади;

олтинчидан, жиноятларни фарқлашда вақт омилига алоҳида эътибор қаратилади, яъни, шахс қолдирилиб кетилаётган вақтда унга зудлик билан тезкор ёрдам кўрсатилиши талаб қилинмаса, бунда қилмиш хавф остида қолдириш сифатида, башарти жабрланувчи тезкор ёрдам кўрсатилиши зарур аҳволда қолдирилган бўлса, унда ҳаётга, соғлиққа қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши керак;

еттинчидан, шахс йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, унда жабрланган шахсни оғир аҳволда қолдириб кетиши натижасида унинг ўлимига сабаб бўлса, жиноят ЖК 266-моддаси ва ЖК 117-моддаси билан жиноятлар мажмуи бўйича малакаланиши зарур;

саккизинчидан, хавф остида қолдиришни онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши жинояти билан ҳам фарқлашда жиноятнинг субъектив томонига – қасд болани ҳаётдан маҳрум этишга ёки ундан қутилишга қаратилганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Қасд нимага қаратилганлигига аниқлик киритиш учун бола ташлаб кетилган жой, вақт, боланинг аҳволи каби ҳолатлар ўрганилиши керак. Шу билан бирга онани ўз чақалоғини ўлдириш жиноятида вақт мезони устувор эканлигини ҳам унутмаслик керак, яъни жиноят чақалоқни туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон содир этилиши лозим бўлади;

тўққизинчидан, йўл-транспорт ҳодисасида айбдор ҳайдовчи учун қуйидаги ҳолларда ЖК 117-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқмайди:

- агар унда жабрланувчига ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаса;
- жабрланувчининг баданига етказилган тан жароҳатлари унинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаса;

- жабрланувчининг ўлими йўл-транспорт ҳодисаси пайтида рўй берган бўлса”.

ўнинчидан, хавф остида қолдириш бўйича жиний жавобгарлик келиб чиқиши учун қуйидаги шартлар бўлиши лозим:

- хавф остига фақат инсон қолдирилиши мумкин;
- жабрланувчи ташқаридан фаол аралашувсиз бартараф этиб бўлмайдиган реал хавф ҳолатида бўлади;

- хавф остида қолдириш жабрланувчи учун таҳдидларни бартараф этиш бўйича аниқ ҳаракатларни содир этмасликда намоён бўлади;

- инсонларнинг онгли хулқ-атвори натижаси ҳисобланади;

- хавф остига қолдираётган шахс жабрланувчига ёрдам беришнинг реал имкониятига эга бўлиши керак;

- ушбу жараён иштирокчилари ўртасида қариндошлик, оилавий, меҳнат, шартномавий ва бошқа муносабатлардан келиб чиқадиган муайян алоқа мавжуд бўлиши.

ўн биринчидан, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, хавф остида қолдириш билан бир қаторда жабрланувчига ғамхўрлик кўрсатиши мажбуриятига эга бўлмаган, жабрланувчини ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли аҳволга солмаган умумий субъект томонидан содир этиладиган ёрдам кўрсатмаслик жинояти учун ҳам жавобгарликни назарда тутиш лозим ҳисобланади. (Масалан Қирғизистон, Грузия, Украина давлатларининг Жиноят кодексларида ёрдам кўрсатмаслик ёки алоҳида жиноят таркиби сифатида берилган ёки Беларус республикаси Жиноят кодексига хавф остида қолдириш жиноятининг бир қисми сифатида кўзда тутилган).

ўн иккинчидан, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, хавф остида қолдириш формал таркибли жиноят сифатида назарда тутиш, оқибат келиб чиқишни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўзда тутиш таклиф қилинади. (Масалан Грузия, Қирғизистон, Беларусь, Арманистон, Тожикистон, Россия Федерацияси, Туркменистон, Озарбайжон, Украина, Молдова давлатларида).

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Кабулов Р., Якубов А.С., Илхамов А.Н. Жиноятларни квалификация қилиш. Услубий материал. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2001. – 24 б.; Кабулов Р. Понятие и значение состава преступления по уголовному праву Республики Узбекистан // Ҳуқуқ-Право-Law. – Тошкент, 2002. – № 5. – С. 25-26.; Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 59 б. (Kabulov R., Yakubov A.S., Ilkhamov A.N. Qualification of crimes. Methodical material. - Tashkent: MIA Academy of the Republic of Uzbekistan, 2001. - 24 p; Kabulov R. The concept and significance of the corpus delicti under the criminal law of the Republic of Uzbekistan // Ҳуқуқ-Лау-Law. – Tashkent, 2002. – No. 5. – P. 25-26.; Irkakhodjaev A.K., Kholikulov U.Sh. Scientific basis of qualification of crimes. Study guide. - Tashkent: TDYI, 2007. - 59 p.).
2. Мыц Я.А. Понятие оставления в опасности // Федерация. – 2005. – №9(11). – С.41-42. (Myts Ya.A. The concept of being left in danger // Federation. – 2005. – No. 9(11). – P.41-42.).
3. Чугунов А.А., Юрченкова Е.С. К вопросу об уголовной ответственности за оставление в опасности // Вестник экономической безопасности. – 2019. – №3. – С. 210-211. (Chugunov A.A., Yurchenkova E.S. On the issue of criminal liability for leaving in danger // Bulletin of Economic Security. – 2019. – No. 3. – pp. 210-211.).
4. Давтян Д.В. Некоторые особенности конструирования признаков состава оставления в опасности // European research. – 2015. – № 10 (11). – С. 100–102. (Davtyan D.V. Some features of constructing signs of the composition of leaving in danger // European research. – 2015. – No. 10 (11). – P. 100–102.).
5. Власов Ю.А. Уголовная ответственность за оставление в опасности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2004. – С.5-6. (Vlasov Yu.A. Criminal liability for leaving in danger: Author's abstract. diss. ...cand. legal Sci. – Omsk, 2004. – P.5-6.).
6. Бояркина Н.А. Разграничение ст. 125 УК РФ со смежными составами» // Сибирский юридический вестник. – 2012. – №2. – С. 93-94.; Стрижова А.В. Оставление в опасности и его разграничение с убийством, совершенном путём бездействия. теория и правоприменительные аспекты // Вестник магистратуры. – 2016. – №6(57). – С. 115. (Boyarkina N.A. Delimitation of Art. 125 of the Criminal Code of the Russian Federation with related elements” // Siberian Legal Bulletin. – 2012. – No. 2. – P. 93-94.; Strizhova A.V. Leaving in danger and its distinction from murder committed by omission. theory and law enforcement aspects // Magistracy Bulletin. – 2016. – No. 6(57). – P. 115.).
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2015 йил 26 июндаги 10-сон қарори // <https://lex.uz/docs/2710284> (Decision No. 10 of June 26, 2015 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan "On some issues of judicial practice in cases related to crimes against the safety of transport and its use" // <https://lex.uz/docs/2710284>).

8. Усенков И.А. О некоторых дискуссионных моментах состава «оставление в опасности» // Законность и правопорядок в современном обществе. – 2015. – № 27. – С. 156-157. (Usenkov I.A. About some debatable points of the “leaving in danger” composition // Legality and law and order in modern society. – 2015. – No. 27. – P. 156-157.).
9. Бояркина Н.А., Денисова А.Е. «Квалификация действия лиц, совершивших оставление в опасности при дорожно-транспортном происшествии» // Вестник Восточно-сибирского института Министерства внутренних дел России. – 2012. – № 3. – С. 30. (Boyarkina N.A., Denisova A.E. “Qualification of the actions of persons who committed leaving in danger during a traffic accident” // Bulletin of the East Siberian Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia. – 2012. – No. 3. – P.).30.).
10. Khamidov, N. "Conditions enabling the commission of some transnational organized crimes." (2022).



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000